

Муҳаммад алайҳиссалом — Аллоҳнинг Расули



16:05 / 03.11.2019 2412

Ассалом алайкум ҳурматли устозлар. Менинг ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурматим чексиз. Аллоҳдан у кишини тушимда кўришни, жаннатларда қўшни бўлишни дуо қилиб сўрайман. Танловга мен ҳам бир ҳаваскор сифатида қатнашмоқчиман. Бу шеърни мувашшаҳ шаклида ёздим. Яъни шеърнинг бош ҳарфлари қўшиб ўқилганда «Муҳаммад алайҳиссалом -Аллоҳнинг Расули» жумласи келиб чиқади. Мавлид тадбири шиори шу бўлгани учун ушбу жумлани танладим. Бу шеърда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исм-сифатларини иложи борича жамлашга ҳаракат қилдим. Хато нуқсонлари учун Аллоҳдан мағфират этишини сўрайман.

Маккада порлаган юлдуз эмас, ойсиз Набийим,

Умматларга ҳам дўсту ҳам ёрсиз Набийим.

Ҳошимий, арабий, мунжий Набийим

Аминим бир бора тушимга киринг

Мутаҳҳар бир бора тушимга киринг.

Мубашширу фозил, шафиқ, одилсиз,

Азизсиз, важиҳсиз, солиҳ ўзингиз.

Далилул хойрот, содиқ, мусаддиқ,

Абу Иброҳим бир тушимга киринг,

Ложувард нур бўлиб тушимга киринг.

Аллоҳим танлаган, ҳодий, музаккир,

Йўлбошчи айлаган бандаларига

Ҳарисун алайкум, қоидул-ғуррил

Иймонул-муттақин тушимга киринг.

Саййидул-мурсалин тушимга киринг.

Сўзларингиз даво мўмин дардига

Аҳидо эргаштириб бизни ҳақ йўлга.

Лойиқ уммат бўлмоқ истагим сизга,

Оқибо бир бора тушимга киринг

Мустафо, мунзиро тушимга киринг.

Аслзодадирсиз, Ҳотамур-Расул,

Лойингизни тоблаб яратган Раббим.

Лафзи ҳалол болиғ, воҳиду вакил.

Ошиқман, бир бора тушимга киринг.

Ҳотамул-анбиё тушимга киринг.

Насиҳ, шофий, набийют-тавба,

Илоҳий нур бордир юзларингизда.

Ношир, Мухтор, Носир, мушаффаъ,

Гул бўйли Набийим тушимга киринг.

Расулуллоҳ бир бора тушимга киринг.

Аллоҳ жаннатингда қўшни қил бизни,

Соиқ қизлари билан дугона бўлай.

Улар билан гўзал суҳбатлар қурай,

Лутф этиб бир бора тушимга киринг.

Истагим бир бора тушимга киринг.

Тўраева Дилдора

Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Кумушкент қишлоғи.